

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРСАНДОВ АЛИШЕР СУЮНОВИЧ

ЁШЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИДА МИЛЛИЙ-СИЁСИЙ
ИДЕНТИФИКАЦИЯНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Хурсандов Алишер Суюнович Ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификациянинг намоён бўлиш хусусиятлари	3
Хурсандов Алишер Суюнович Особенности проявления национально-политической идентификации в социализации молодежи	21
Khursandov Alisher Suyunovich Peculiarities of the manifestation of national-political identification in the socialization of youth.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	44

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРСАНДОВ АЛИШЕР СУЮНОВИЧ

ЁШЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИДА МИЛЛИЙ-СИЁСИЙ
ИДЕНТИФИКАЦИЯНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Сийсий фанлар буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Siyos78 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.miu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ўтамуродов Акбар Ўтамуродович
фалсафа фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сийсий фанлар доктори, профессор

Нишонава Озода Джалолитдиновна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «28» 10 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси 5-қават, 511-хона). Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: pauka@miu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (73 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «15» 10 да тарқатилди.
(2020 йил «15» 10 даги 23 рақамли реестр баённомаси).



Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, сийс. ф. д., профессор

А.Х.Холмахматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ф. д. (PhD)

Б.Т.Тўйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, фалс. ф. д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ижтимоий-сиёсий ҳаёт трансформацияси ёшларнинг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ёшларда кечаётган ижтимоийлашув жараёнида сиёсий ислохотларнинг таъсири ортиб бораётганлигини англатади. Ёшларнинг ижтимоийлашуви – жамият ижтимоий-сиёсий тараққиётининг муҳим мезонларидан. Бугунги жадал ривожланаётган даврда эса, ахборот шахс ижтимоийлашувига салмоқли даражада таъсир кўрсатувчи манбадир. Демак, аҳолини ахборот кутубхоналар билан таъминлаш ижтимоийлашув жараёнларини такомиллаштиришга катта ҳисса кўшади.

Бугунги кунда жаҳондаги илмий-тадқиқот марказларида ёшларнинг сиёсий ҳаётга ижтимоийлашувида миллий идентификациянинг концептуал таъсири, парадигмал ўлчовлари, институционал, ноинституционал муаммоларга оид тадқиқотларнинг илмий-амалий таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон миқёсида ижтимоий-сиёсий кучларнинг қайта тақсимланиши ва глобаллашув таъсири остида ўсиб бораётган рақобат туфайли, ёшлар ижтимоийлашуви жараёнининг анъанавий илмий тушунчаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ёшлар ижтимоийлашуви жараёнининг шаклланиши ва ривожланиши нисбатан узоқ даврни қамраб олади. Бугунги кунда давлатлар ўз салоҳияти ва ривожланиш даражасидан қатъи назар, ёшлар ижтимоийлашуви жараёнининг самарадорлигини таъминлашни ўз нуфузини ошириш, миллий идентификация талабларини янада кучли ҳимоя қилиш имконияти сифатида кўришмоқда, шу сабаб айни шу йўналишдаги илмий-амалий муаммоларни ҳар томонлама комплекс таҳлил қилиш зарурияти сезилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг турли жиҳатларини ўрганиш, тадқиқ қилиш жараёнлари тегишли соҳа мутахассислари томонидан амалга оширила бошланди. Шу боисдан ҳам ёшларнинг миллий-сиёсий идентификацияси, уни ташкил этувчи компонентлар, унинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш жамиятнинг келажақдаги тараққиётини белгилаб берувчи муҳим муаммолардан ҳисобланади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида бу фикрлар янада ривожлантирилиб, қайд этилганидек: «Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғинмасдан, қатъият билан давом эттираемиз. Нафақат давом эттираемиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш

келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз»¹.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида қабул қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» тўғрисидаги махсус резолюция, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ 406-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5046-сонли, 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли, 2019 йил 22 февралдаги «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5667-сонли фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сонли қарори, 2019 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5465-сонли фармойиши ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий тақомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги ёшлар ижтимоийлашувининг сиёсий тизимига оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.²

Сиёсий тафаккур тараққиётидан маълумки, аксарият сиёсатшунос олимлар ўз асарларида, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ҳам ёшларнинг ижтимоийлашувида миллий идентификация масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, қадимги юнон файласуфи Сукрот ҳар бир инсоннинг ижтимоийлашуви ҳам сиёсий онгининг юксалиши, ҳам айнан унинг ўз-ўзини

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМНУ, 2017. – 145-146 б.

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Мирзиёев Ш.М. Таъқдирий тақдир, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қушалак қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Булук келажатимизни мард ва оқиланоб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

англашидан бошланиши ҳақида уктириб ўтган. Буддавийлик, зардуштийлик, ислом диний ғояларида ҳам мазкур масала кўтарилган, деб айтиш мумкин.

Ҳозирги давргача миллий-сиёсий идентификация муаммолари хорижда Б.Андерсон, Э.Геллнер, К.Гирц, К.Дойч, Д.Кол, У.Коннор, Х.Сетон-Уотсон, Ю.Хабермас, Э.Хобсбаум, К.Хюбнер, Я.Ватсон, М.Гут, С.Каслес, М.Миллер, М.Митчелл, Д.Расселл каби сиёсатшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келган³. Инсон ўз-ўзини идентификация қилар экан, биринчи навбатда, у ўз «мен»ига мурожаат қилади ва шундан сўнггина ўз миллий онги ва миллий ўхшашлигини англайди. Айрим ҳолларда эса инсон ўз миллий мансублигини миллий идеалга боғлайди. Албатта, бу ерда тил, маданият, дин ва бошқалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу маънода тўғкидлаш жоизки, миллий идентификацияни иқтисодий ривожланиш ҳамда катта ютуқларга эришиш (иқтисод, сиёсат, спорт, санъат, маданият ва ҳ.к.) билан бирга, одатдан ташқари жараёнга мослашиш ва сақланиб қолиш учун кураш сифатида баҳолаш мумкин.

Жаҳонда ҳар бир инсоннинг сиёсий ҳаётга ижтимоийлашувида миллий идентификациянинг концептуал таъсири, парадигмал ўлчовлари, институционал, ноинституционал муаммоларига оид тадқиқотлар бу масаланинг сиёсий механизмларини англаб олишда муҳим методологик аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам мазкур йўналишда кенг миқёсли илмий изланишлар олиб бораётган олимлар қаторига П.Клавин, С.Вертовек, Л.Приес, Л.Морен, Т.Эриксен, Р.Кохен, А.С.Колесников, М.Н.Эпштейн, А.Амелинва, Н.Шиллер, Д.Нергиз, Т.Фэйст, С.Сассен, Ж.Фокс, Р.Тарас, Э.Гидденс, М.Кастельс, А.Этциони, Р.Робертсон, А.Аппалураи, З.Бауман, Н.Журавски, Т.Фридман, Д.Шварц, Н.Кауппи, Д.Делла Порта, М.Кек, В.Е.Морозова, С.Тарроу, Т.Риссе, Ж.Розенау, К.Сиккинк, О.Янг, Б.Бузан, О.Вэвер, Р.Кеохэйн, Ж.Ная, Ф.Кратохвил, П.Хоу, В.Байн, П.Хоппер, П.Цыганков, Й.Фергюсон, Р.Мансбах, С.Линн, Л.Пегги, Э.Аудинл, Ф.Могхаддам ва бошқа шу кабиларни киритиш мумкин⁴.

Ёшларнинг ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификация мавзусига доир тадқиқотлар орасида истиқлол йилларида ўзбекистонлик олимлар томонидан амалга оширилган илмий ишлар ҳам муҳим ўрин

³ Андерсон Б. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма. -М.: Канон-пресс-Ц, 2001. 288 с.; Геллнер Э. Нации и национализм. - М.: Прогресс, 1991. 322 с.; Гирц К. Интерпретация культур. - М.: РОССПЭН, 2004. 560 с.; Deutsch K. Nationalism and its Alternatives. N.Y., 1969; Кола Д. Политическая социология. М.: Весь мир, 2001.; Connor W. Ethnonationalism: The Quest for Understanding. Princeton, N.Y.: Princeton University Press, 1994.; Seton-Watson H. Nations and States: An Enquiry Into the Origins of Nations and the Politics of Nationalism. Methuen, 1977. 563 p.; Хабермас Ю. Европейское национальное государство: его достижения и пределы. О прошлом и будущем суверенитета и гражданства // Нации и национализм / Б. Андерсон, О. Бауэр, М. Хрох и др.; пер с англ. и нем.: Л. Е. Переяславцевой, М. С. Панина, М. Б. Гнедовского. - М.: Праксис, 2002; Хобсбаум Э. Нации и национализм после 1780 года. - СПб.: Алетейя, 1998. 306 с.; Хюбнер, К. Нация: от забвения к возрождению / пер. с нем. А. Ю. Антоновского. - М.: Канон+, 2001. 400 с.; Goot M., Watson I. Immigration, Multiculturalism and National Identity // Australian Social Attitudes: The First Report. Sydney: UNSW Press, 2005; Castles S., Miller M.J. The Age of Migration: International Population Movements in the Modern World. Basingstoke and New York: Palgrave-Macmillan and Guilford, 2008; Mitchell M., Russel D. Nationalism, national identity and citizenship in the new Europe. London and New York: Routledge, 1999.

⁴ Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида киритилган.

эгаллайди. Жумладан, Ш.Пахрутдинов, С.Отамуратов, У.Сандов, Т. Жўраев, С.Жўраев, М.Қирғизбоев, И.Эргашев, В.Қўчқоров, А.Худайбергенов, А.Шаймулов, С.Бекчанов, Р.Алимов, Л.Х.Тангриев, Ҳ.Ахмедов, Ҳ.Жўрақобилова, А.Холмахматовлар⁵нинг тадқиқотларида диссертация мавзусининг турли жиҳатларига дахлдор бўлган масалалар, хусусан, ёшлар ижтимоийлашувининг мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий ислохотларга доир муҳим илмий-амалий фикр-мулоҳазалар, хулоса, таклиф ва тавсиялар илгари сурилган. Аммо ушбу муаллифлар ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификациянинг намоён бўлиш хусусиятлари мавзусини махсус тадқиқ қилишни илмий ишларининг бош мақсади ва асосий вазифаси сифатида танлаб олмаганлар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Фуқаролик жамияти ривожланишининг сиёсий, маданий, мафкуравий муаммолари” банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ёшларнинг ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификациянинг ўзига хос хусусиятларига оид назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«ёшларнинг ижтимоийлашуви», «миллий идентификация» тушунчаларини таъриф ва тасниф этишдаги турли сиёсий қарашлар маъно-мазмунини қиёсий тадқиқ этишга оид назарий-методологик ёндашувларни концептуал жиҳатдан қиёсий таҳлил этиш;

ижтимоий-сиёсий тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашуви ва миллий-сиёсий идентификацияни ривожлантиришнинг хронологик таснифини ишлаб чиқиш, уни такомиллаштириш механизмлари ва технологияларини аниқлаш;

глобал сиёсий ўзгаришлар шароитида ёшлар ижтимоийлашувининг парадигмал жиҳатлари ва миллий-сиёсий идентификация талабларини шакллантирувчи институтларнинг стратегик вазифалари ва йўналишларининг функционал интеграциялашиш тенденциясини асослаш;

замонавий жамиятда ёшлар ижтимоийлашуви ва миллий-сиёсий идентификация талабларини янгидан шакллантириш, бошқариш, назорат қилиш функцияси ва имкониятларига дифференциал ёндашиш тамойилларини аниқлаш;

ёшлар ижтимоийлашувидаги ўзликни англаш жараёни – миллий-сиёсий идентификацияни ривожлантирувчи муҳим омил эканлигини «бешта муҳим ташаббус» доирасида ёритиш;

ёшлар ижтимоийлашувининг тизимли бошқариш ва назорат қилиш институционал тизими элементларининг функционал интеграциялашувини илмий асослаш;

⁵ Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ёшлар ижтимоийлашуви ва маънавий хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик вазифаларини белгилаш ва истикболларини прогнозлаштиришга жавобгар институтлар фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ҳамда назорат қилишнинг сиёсий механизмларини (ёшларнинг муайян гуруҳларининг назорат вазифаларини бажарадиган қарорларни қабул қилиши ва амалга оширишни бевосита таъминлайдиган институтларнинг умумий ва муайян манфаатларини сиёсий жиҳатдан аниқ ифодалашни таъминловчи тузилмалар фаолиятини) такомиллаштиришга доир тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификацияни шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификацияни шакллантиришнинг ўзига хос босқичлари ва тамойилларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кузатув, қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, объективлик, анализ ва синтез, тизимли ёндашув каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий сиёсий идентификацияни шакллантириш босқичлари, тамойиллари, механизмлари, технологиялари типологияси ишлаб чиқилиб, у ёшлар ижтимоийлашувида ижобий компонент эканлиги асосланган;

сиёсий ижтимоийлашувнинг генезиси ва намоён бўлиш хусусиятлари аниқлаштирилган ҳамда ёшларда сиёсий фаоллик, ватанпарварлик, эркин фикрлаш, ўзлигини англаш, манфаатдорлик каби хусусиятлар мониторингини олиб боришга оид мезонлари ишлаб чиқилган;

ёшлар ижтимоийлашувидаги ўзликни англаш, миллий-сиёсий идентификацияни ривожлантириш жараёнининг вертикал ва горизонтал кўрсаткичлари ҳамда ижтимоийлашув тизими самарадорлигини баҳолаш индикаторлари такомиллаштирилган;

ёшлар сиёсий идентификациясига доир «ёшлар ижтимоийлашуви» (мослашувчанлик ва замонавийлашув), «миллий идентификация» (андишаллик ва юз-хотирлик), «миллий-сиёсий идентификация» (уюшмаганлик, сиёсий маданият, сиёсий онг) категорияларнинг мазмуни ва илмий таърифлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: ёшлар ижтимоийлашуви ва миллий-сиёсий идентификациянинг ўзаро алоқадорликда ривожланишининг мазмун-моҳиятини бойитишга, жамиятдаги сиёсий ўзгаришларнинг намоён бўлиш хусусиятларини тадқиқ қилишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга ҳамда ижтимоий-сиёсий ислохотларни самарали амалга оширишга хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар

ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган ўқув қўлланма ва у ҳақдаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашуви ва миллий-сиёсий идентификацияни оптимал ташкиллаштириш усуллари ҳамда воситаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашуви ва миллий-сиёсий идентификацияни янада ривожлантирувчи сиёсий институционал тизим элементларининг функционал интеграциялашувини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификациянинг ўзига хос хусусиятларининг сиёсий таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

миллий сиёсий идентификацияни шакллантириш босқичлари, тамойиллари, механизмлари, технологиялари типологияси ишлаб чиқилиб, у ёшлар ижтимоийлашувида ижобий компонент эканлигига оид хулосалардан «Социология» фани бўйича ўқув қўлланма тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи, нашр рухсатномаси № 654-004). Илмий хулосалар ва амалий таклифлар ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификация талабларини жамият ҳаётига самарали татбиқ қилиш ҳамда «Социология» фани бўйича ўқув қўлланмани назарий-методологик жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилган;

миллий-сиёсий ижтимоийлашувнинг генезиси ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари аниқлаштирилган ҳамда ёшларда сиёсий фаоллик, ватанпарварлик, эркин фикрлаш, ўзлигини англаш, манфаатдорлик каби хусусиятлар мониторингини олиб боришга оид мезонлари ишлаб чиқилганлигига доир янгилигидан барча бакалаврият таълим йўналишлари учун ёшларга оид давлат сиёсатининг аҳамияти, ёшлар ижтимоийлашувида таълим ва тарбиянинг ўрни ҳамда миллий-сиёсий идентификациянинг тузилмавий-функционал жиҳатлари кабиларни таҳлил қилишда ҳамда «Фуқаролик жамияти» номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 04 октябрдаги № 89-03-3722-сон маълумотномаси). Бунда замонавий ёшларни янги фикрлашининг янги ғоялар, янги кадриятлар билан миллий-сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашув жараёнини ва таълим сифатини оширишга хизмат қилган;

ёшлар ижтимоийлашувидаги ўзликни англаш, миллий-сиёсий идентификацияни ривожлантириш жараёнининг вертикал ва горизонтал кўрсаткичлари ҳамда ижтимоийлашув тизими самарадорлигини баҳолаш индикаторлари такомиллаштирилганлигига оид хулосалардан «Социология» фани бўйича ўқув қўлланма тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи, нашр рухсатномаси № 654-004). Ушбу хулоса ва такомиллаштирилган индикаторлар Социология фанини методик жиҳатдан мустаҳкамлашга самарали ҳисса қўшган;

ёшлар сиёсий идентификациясига доир «ёшлар ижтимоийлашуви» (мослашувчанлик ва замонавийлашув), «миллий идентификация» (андишалик ва юз-хотирлик), «миллий-сиёсий идентификация» (уюшмаганлик, сиёсий маданият, сиёсий онг) категорияларнинг мазмуни ва илмий таърифлари такомиллаштирилганлигига оид хулосалардан «Сиёсатшунослик» номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сон буйруғи, нашр рухсатномаси № 133-249). Натижада тадқиқот асосида «ёшлар ижтимоийлашуви» ва «миллий идентификация» категорияларини таснифлашдаги турли илмий-амалий ёндашувлар ва умумсиёсий методология асосида ўқув дастурларининг тегишли мавзулар ва янги маълумотлар билан бойитилишида манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари республика миқёсидаги 8 та илмий-амалий анжуманда ва 4 та халқаро илмий анжуманларда апробациядан ўтган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр этилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (6 та республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола, 13 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 159 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Сиёсий таълимотлар тизимида ёшларнинг ижтимоийлашуви ва миллий-сиёсий идентификация моҳиятини тадқиқ этишнинг назарий-методологик масалалари» деб номланган. Ушбу бобда ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификациянинг намоён бўлиш шакллари, сиёсий ижтимоийлашувнинг генезиси ва унинг ривожланиш хусусиятлари ҳамда сиёсий таълимнинг ижтимоийлашуви ва унинг миллий-сиёсий идентификация моҳиятини англашдаги ўрни илмий нуқтаи назардан очиқ берилган.

Мустақил давлатлар сиёсий фанларида бугун «ижтимоийлашув» тушунчаси таъриф-таснифига катта эътибор берилишининг сабаби шундаки, ушбу ҳолат кейинги ўттиз йиллик вақт ичида собиқ Иттифоқ ҳудудида рўй берган муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, мустақилликка эга бўлган собиқ Иттифоқ давлатларининг миллий-сиёсий идентификация талабларини ўзгариши билан характерланади.

Дунё олимлари томонидан ҳозирги давргача «ижтимоийлашув» тушунчасининг методологик асосига оид кўплаб назариялар ва концепциялар яратилган. Ижтимоийлашув фуқароларнинг сиёсий ислохотлар таъсири остида шаклланиш жараёни, бир-бирлари билан мулоқотда бўлишларини ифодаласа, «ижтимоийлаштириш» тушунчаси жамият сиёсий тизимининг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган намунали сиёсий ҳулқ, сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий норма ва сиёсий кадрларни ўзлаштириш билан ифодаланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификациянинг намоён бўлиш хусусиятларини сиёсий тадқиқот объекти сифатида ўрганишни структуралли-функционал таҳлил қилиш, унинг элементлари, ривожланиш даражалари ўртасидаги боғланишларни очиқ берувчи янги сиёсий услублар тизимига тегишли тарзда ёндашишнинг «назарий қашшоқлиги» миллий сиёсий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги амалий фаолиятнинг сустлигига сабаб бўлиб қолмоқда. XX асрнинг кейинги ўн йилликларида жаҳон сиёсий манзарасининг ўзгариши миллий-сиёсий идентификациянинг янги парадигмал йўналишларини белгилаб, ёшлар ижтимоийлашуви билан боғлиқ янги сиёсий талабларнинг янги сифат даражаларини вужудга келтирди.

Сиёсий нуқтаи назардан ижтимоийлашув деганда, бутундунё сиёсий трансформацияси таянч замирини ташкил этувчи ва ўз ичига миллий ҳамда умуминсоний сиёсий онг, сиёсий маданият ва сиёсий парадигмаларни ўзлаштиришга бўлган интилиш тушунилади. Шу боисдан ҳам сиёсатшуносликда «ижтимоийлашув» тушунчаси, асосан, икки жиҳатдан ўрганилади. Биринчидан, сиёсий ижтимоийлашув назарияси нуқтаи назаридан, сиёсий муҳитда шахслар ижтимоийлашувининг қандай шаклланаётгани тасвирланади ва тушунтирилади. Бу ижтимоийлашув умумий назариясининг муайян доирасини ташкил қилади. Иккинчидан, сиёсий ижтимоийлашув сиёсат назарияси нуқтаи назаридан энг кам ўрганилган мавзулардан ҳисобланади. Унинг мавзуси умумий социализм назарияси категорияларини сиёсий тизимларнинг таҳлилига татбиқ этиш

имкониятларини ўрганишдир. Шунини таъкидлаш керакки, сиёсатшуносларнинг кўпчилиги «сиёсий ижтимоийлашув» атамасини ёки сиёсий қарашларни, гояларни, нормаларни бир авлоддан иккинчисига ўтказиш ёки шахснинг сиёсий юксалиш жараёнини, унинг ўз сиёсий дунёқарашини шакллантиришни, ўз шахсий ривожланишини ифода этувчи биринчи ёндашувга риоя қилганлигини таъкидлаш керак. Чунки айнан сиёсат дунёси ўз сиёсий йўналишларига эга соҳа ҳисобланади.

Идентификация сўзи лотинча «бир хил» деган маънони англатувчи «идем» сўзидан келиб чиққан⁶. Кенг маънода идентификация - бу шахснинг жамиятдаги ўрнини, шунингдек, жамият учун аҳамиятли бўлган маданий қадриятлар ва бажарадиган вазифалари билан узвий боғлиқ бўлган ўзига хос қадриятлар ва хулқ-атвор моделларининг умумийликда намоён бўлишидир. Сиёсий нуқтан назардан идентификация бу - ҳокимият тизимидаги турли мансабдор шахслар, жамоалар, синфлар ва элиталарнинг онги ва хатти-ҳаракатларини тартибга солишнинг энг муҳим воситасидир.

Сиёсий ижтимоийлашувнинг муҳим институти олий маълумотга эга бўлиш жараёни билан ҳам боғлиқ. Ўтмиш билан таққослаганда, Ўзбекистонда бугунги кунда ёшлар ҳаракати мамлакатнинг сиёсий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатадиган ҳолатда. Сиёсий ижтимоийлашув тарихий тажриба орқали амалга оширилади. Ўзбекистонда сиёсий иштирок этиш тажрибасининг узлуксизлигини таъминлашда етарли даражада муаммолар мавжуд. Масалан, баъзи катта авлод вакилларидаги сиёсий хулқ-атворнинг эски шакллари ва иштироки кўпинча янги сиёсий воқеликларга жавоб бермайди. Янги моделлар жуда секин шаклланмоқда ва эгалланмоқда. Шу боис сўнгги йилларда сиёсий таълим муаммоси долзарб масалага айланди: бугунги кунда, айниқса, бошқа ривожланган давлатларнинг сиёсий тажрибасини ва сиёсий тизимларнинг функционал хусусиятларини ўрганиш, уларни таъсир қилиш усуллари, ўз ва гуруҳ манфаатларини амалга ошириш, хорижий тажрибани миллий-сиёсий идентификация талабларига мослаштириш имкониятларига алоҳида эътибор бериш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бироқ янги сиёсий ижтимоийлашув жараёнининг шаклланиши фақатгина гуманитар ва сиёсий таълим тизими билан чекланмаган.

Сиёсий ижтимоийлашувнинг янги институтларини яратиш керак, чунки улар ўзларининг аввалги аъзоларини вайрон қилишлари ва йўқ бўлиб кетишидан кейин пайдо бўлган вакуумни тўлдиради. Инсоннинг потенциал сиёсий мавжудотдан реал сиёсий мавжудотга айланиб бориш жараёни унинг ижтимоийлашув босқичларини қай тарзда босиб ўтганлиги, ўз манфаатларининг англаганлик даражаси, қизиқишлари ва сиёсий тизимга боғлиқ бўлади. Инсон реал сиёсий мавжудотга айланмас экан, инсонларнинг реал сиёсий кучга айланиши тўғрисида гапириш ўринсиздир. Инсонларнинг реал сиёсий кучга айланиб бориши, ўз навбатида, давлат вазифаларини

⁶ И.С.Семенов, Л.А.Фадеева, В.В.Лашкин, П.В.Панов. Идентичность как предмет политического анализа. Сборник статей по итогам Всероссийской научно-теоретической конференции. –М.: ИМЭМО РАН, 2011.- 299 с.

нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб борилишини таъминлаб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда миллий-сиёсий идентификация сиёсат ва давлат бошқарувида ўз ўрни, роли, мазмун-моҳиятига эга бўлиб бормоқда. Миллий-сиёсий идентификация талаблари асосида ёшлар ўзига хос янги мазмундаги сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида, жамият ҳаётига оид муаммоларни ҳал қилишда фаол қатламга айланди. Бу эса миллий-сиёсий идентификация муаммосига янгича ёндашишни, бу борадаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Миллий-сиёсий идентификация талабларини сиёсий фанлар доирасида ўрганиш, давлат ва жамият бошқарувида миллий ва умуминсоний сиёсий тамойиллар тизимини шакллантириш ва янги сиёсий мазмундаги қарорларни қабул қилишда унга таяниб иш кўриш шарқона демократиянинг асосий шартларидан бирига айланиши зарур.

Умуман олганда, миллий-сиёсий идентификацияни ҳозирда муҳим бир жараён сифатида этник идентификация, диний идентификация ва миллий идентификация жараёнлари билан боғлиқликда ўрганиш муҳим. Миллий-сиёсий идентификацияга ўзини ўзи англаш, миллий-сиёсий манфаатларни тўғри баҳолаш, миллий сиёсий яқинликни оқилона ҳис қилиш ҳамда ўз мамлакатининг миллий-сиёсий манфаатларини қадрлаш ва сақлаб қолиш кирди. Бугунги кунда эса, миллий-сиёсий идентификация ўзига хос мураккаб сиёсий жараён сифатида кўплаб баҳс-мунозараларга ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки баъзи олимлар томонидан миллий-сиёсий идентификация талаблари миллатчилик назарияси нуктаи назардан талқин қилинмоқда. Ваҳоланки, миллий-сиёсий идентификация тизимида шахс ўзини нафақат миллий аломатлар бўйича идентификация қилади, балки миллий-сиёсий манфаатларни уйғунлаштиришда шахсий мотивация ва миллий сиёсий периферияни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, демократияга ўтиш асосида, авваламбор, фуқароларнинг, жумладан, ёшларнинг жамоат ишларида қатнашиши асосига қурилган сиёсий маданияти, ҳокимият тизимида тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъект бўла олиш қобилияти ва истаги ётади. Шундай қилиб, ёшлар ижтимоийлашуви ва миллий-сиёсий идентификация бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ жараёнлардир. Демак, юқорида келтирилган фикрлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг замири мамлакатимизда фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдан иборат экан, бу олий мақсадга эришишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ва асосий шартларидан бири - аҳолининг, айниқса, ислохотларнинг давомчиси ва келажагимиз бўлмиш ёшларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришдир. Мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кучайтиришга қаратилган ишлар кўлами йилдан - йилга кенгайётганлигини ҳисобга олган ҳолда асосий эътиборни ёшларимизнинг яратилган кенг имкониятлардан оқилона

фойдалана билиш, шакланган кўникма ва билимларини мамлакатимизнинг келажакда ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрни эгаллаши йўлида сафарбар этганига қаратишдан иборатдир.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ҳозирги даврда ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификацияни шакллантиришнинг концептуал омиллари**» деб номланган бўлиб, унда ёшлар ижтимоийлашувидаги ўзликни англаш жараёнини - миллий идентификацияни ривожлантирувчи муҳим сиёсий элемент сифатида намоён бўлиши, ёшлар ижтимоийлашувида сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўрни ва ёшлар сиёсий фаоллигини оширишда миллий идентификациянинг аҳамияти ёритилган.

Сиёсий идентификация жамоат руҳий ҳолатининг динамикасини акс эттиради. Унинг асоси - ягона миллатга мансублик ва ўз давлатини тан олишдир. Сиёсий идентификация миллат билан (сиёсий ҳамжамият) жамоат туйғусига ва бу жамиятнинг ҳиссий мажбуриятларига, шу жумладан, сиёсий миллатнинг қийматини баҳолашга асосланади. Сиёсий идентификациянинг шаклланишида узлуксизлик таълим тизими ва ижтимоийлашувнинг бошқа институтларини таъминлайди. Демократик давлатларда ёшларнинг сиёсий таълими сиёсий идентификацияни сақлаш ва такомиллаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Одамлар ўз шахсийлигини сақлаб қолиш ва ўз фуқаролари билан ҳамжиҳатликда бўлишга интилганда худди шундай кадрларга риоя қиладилар, улар бир миллатнинг аъзоси бўлиб қоладилар. Бундай воқеаларни талқин қилиш бўйича жамоатчиликнинг келишмовчилиги фуқаролик ўзини ўзи идентификациялашнинг танқидий ва норозилик шакллари устунлигини кўрсатади ва сиёсий режимнинг тизимли ўзгаришини келтириб чиқариши мумкин.

Миллий-сиёсий идентификацияни тўғри шакллантириш ҳар бир халқ, миллат ёки элат вакилига ўзининг анъаналарини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, ўзининг одатлари, маданияти ва тили билан гурурланиш имконини яратади. Замонавий жамиятда бутун Ер юзи миқёсидаги миграция ва хорижга эмиграция жараёнлари, сиёсий ва иқтисодий эркинликнинг ўсиши миллий ўзликни англаш жараёнларини анча мураккаблаштириши билан бирга, миллий идентификация талаблари жорий қилинишининг тобора мураккаблашишига сабаб бўлмоқда. Яъни бугунги кунда бошқа миллат сиёсий ҳаёт тажрибасини бошқасининг талабларига мослаштириш учун бўлган интилишлар тобора кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Шундай экан, бугун миллий-сиёсий идентификация ижтимоий жараён сифатида ёш авлод тарбиясида қуйидагича таъсир кўрсатиш имконига эга: муайян миллат вакили сифатида ўзини англаш; ўзини маълум бир миллий гуруҳлардан фарқлаш ҳамда ўз миллий мансублигини ҳис қилиш; миллий идеалга интилиш; миллий ўхшашликни ҳис қилиш ва бошқалар шулар жумласидан.

Миллий-сиёсий идентификациянинг ўзига хослиги ўтмиш тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ҳозирги даврда сиёсий қадриятларни

шакллантирадиган ва келажакда давлатнинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи мураккаб ижтимоий, ижтимоий-маданий ва сиёсий-маданий шаклланиш жараёни билан белгиланади. Миллий-сиёсий идентификация - бу этник ёки миллий ўзига хосликка қараганда давлат идентификациясига яқин бўлган ривожланган жамоани бошқариш шаклидир.

Миллий-сиёсий идентификация этник ўзига хосликлардан фаркли ўлароқ, сиёсий идентификация шахснинг сиёсий тизимнинг асосий субъекти - давлатни, нафақат миллат ёки этник гуруҳнинг фаолияти хилма-хиллигини баҳолаши билан боғлиқ. Давлат идентификацияси синоним эмас, балки сиёсий шахснинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Миллатлараро давлатлар доирасида сиёсий ўзига хослик янги ўлчов - миллий ўзига хослик билан тўлдирилади, чунки миллат-давлатга тегишли бўлиш ҳисси давлатлар ва миллатларни бирлаштиради. Бироқ замонавий дунёда «давлат» ва «миллат» тушунчалари бир-бирига тўғри келмагани учун, биз фақат «сиёсий ва этник ўзига хослик» тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида гаплашишимиз керак.

Миллий-сиёсий идентификация учта таркибий қисм билан белгиланади:

когнитив – муайян бир миллат ёки маълум бир ижтимоий ҳамжамиятга тегишли эканлигини билиш;

қиймат - тегишлилик тўғрисидаги ижобий ёки салбий фикрнинг мавжудлиги;

ҳиссий - сиёсий субъектларнинг аъзолигини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик.

Ўз мазмунида миллий-сиёсий идентификация шахснинг сиёсий партияга ёки сиёсий муҳолифатга, бошқа манфаатлар гуруҳига ёки қўллаб-қувватлашига алоқадорлигини аниқлашда намоён бўлиши мумкин. Қандай бўлмасин, шахс давлатнинг сиёсий ҳаётида фаол ёки пассив равишда қатнашади ва шу билан ўзини сиёсий муносабатлар субъекти сифатида намоён қилади. Шундай қилиб, сиёсий идентификацияни тарихий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, ҳиссиёт, тажрибага ва ҳозирги сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, давлатнинг сиёсий тизимини баҳолаш орқали шахснинг сиёсий фаолиятидаги иштирокида намоён бўладиган мураккаб ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида аниқлаш мумкин.

Хуллас; биринчидан, ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашариёт тарихида тугган ўрни, мавқеи ва шухрати унинг миллий-сиёсий идентификацияси тизими ва уларни ташкил қилувчи сиёсий унсурлар ўртасидаги муносабатларга боғлиқдир. Бу жараёнда аждодлар томонидан қолдирилган чуқур илмий, бой маданий мерос ва қадриятлар ҳамда уларнинг тарбияга оид гоёлари ва ўғитларидан самарали фойдаланиш ёш авлодни етук, мустақил фикрлайдиган комил инсонлар қилиб тарбиялашга асос бўлади ва объектив шарт-шароит яратади. Иккинчидан, миллатнинг миллий-сиёсий идентификацияси тизими ҳатто унинг кундалик ҳаёт эҳтиёжларини қондириш ва ўзлигини англаш йўлида олиб борадиган онгли ва амалий фаолияти, тафаккур даражаси, ҳаёт тарзи, миллий руҳиятининг намоён

бўлиши билан боғлиқ сиёсий унсурлар ўртасидаги муносабатларни ҳам шакллантиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистонда ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификацияни юксалтиришнинг истиқболли йўналишлари» деб номланган. Унда ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашувида давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий менталитетнинг аҳамияти ҳамда ёшлар ижтимоийлашувида миллий-сиёсий идентификацияни шакллантириш механизмлари ва технологияларининг истиқболли йўналишлари таҳлил қилинган.

Миллий-сиёсий идентификациянинг ўзига хослиги унинг сиёсий ислохотлар жадал ривожланаётган ҳозирги даврда «сиёсий эркинлик», «миллий-сиёсий онг» ва «сиёсий маданият» ҳамда «сиёсий бурч», «сиёсий масъулият» каби тушунчалар орқали ёрқин намоён бўлади. Агар миллий-сиёсий идентификация талабларига ташқаридан ёки бошқа миллатлар томонидан салбий таъсирлар кўрсатилса, миллатлараро, хатто, давлатлараро муносабатларда зиддиятли ҳолатлар пайдо бўлади ва улар оғир мусибатларга олиб келиши мумкин.

